

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 10 февраль, № 29 (5196) Пайшанба


## Ўзбекистон — Япония:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Токиога келди. 9 февраль куни Ўзбекистон раҳбарининг Япония Императори Акихито, Бош вазири Наото Кан, ташқи ишлар вазири Сейджи Маехара билан учрашувлари бўлди.***



*ТОКИО, 9 февраль. ЎзА махсус мухбири Олим ТЎРАҚУЛОВ хабар қилади.*

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини, ҳам икки, ҳам кўп томонлама асосдаги ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича ёндашув ва нуқтаи назарлар ўхшашлигини таъкидладилар.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги анъанавий дўстона, барқарор шериклик алоқаларига юксак баҳо бердилар.

Учрашув ва музокаралар юқори технологиялар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатларимизнинг юксак сармоявий салоҳияти ушбу йўналишлардаги қатор лойиҳаларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Токиога ташрифи арафасида мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлди. Бизнес-форум якунлари Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон Республикаси сармоявий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганини яна бир карра тасдиқлади.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Наото Кан Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури лойиҳаларини амалга ошириш бўйича иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Императори Акихито билан учрашув пайти.

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2011 йил Ўзбекистон Республикасида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидаги йўналишларга асосланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, аввалимбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консультатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси зиммасига "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика ҳудудларида белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Бунда қуйидагиларга:

тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари — энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури бўлимлари ва бандларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми ўсишига муҳим аҳамият берилгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шаклларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар экспорти ҳажмлари ҳамда таркиби тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, тадбиркорлик субъектлари ўртасида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Дастурнинг амалга оширилиши мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 февраль

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ДАҲО

**Шу кунларда мамлакатимизда бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда.**

**Фахр**

Халқимизнинг фахру ифтихори, мутафаккир Алишер Навоийнинг шоҳбайтлари, неча асрларки, наинки халқимиз, балки жаҳондаги кўплаб шеърият, адабиёт ихлосмандларининг эътибору эъзозида. Зеро, Навоий бобомизнинг ҳар мисра, ҳар байтида миллатлараро дўстлик, инсонийлик, эзгулик, бағрикенглик, саховатпешалик, улуғворлик каби фазилатлар ҳақида сўз очилади, бундай сифатли инсонлар улуғланади, улардан ўрнак, ибрат олишга даъват этилади. Шоир пандлари эскирмайди, ўгитлари барча даврларга хос.

Истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бундан йигирма йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи билан юритилувчи Миллий боғ барпо этилди ва улуғ шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мазкур муаззам боғ ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижлик сайёҳлар билан ҳамиша гавжум.

Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил юртимизда "Алишер Навоий йили", деб номланди. Эндиликда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ёш авлодни мутафаккир шоир ижодидан баҳраманд этишга хизмат қилувчи махсус дарс соатлари, машғулотлар ўтилиши йўлга қўйилди. Мамлакатимиздаги кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар, маданий-маърифий масканлар, кўча ва хиёбонларга Алишер Навоий номи берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, мустақиллик туфайли ҳар йили мамлакатимизда 9 февраль кунини шоир таваллуд топган сана сифатида кенг нишонлаш анъанага айланди.

Жорий йилда Алишер Навоий таваллуд топганига 570 йил тўлди. Шу муносабат билан юртимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларида "Навоийхонлик кечалари", мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ЕВРОПА ҚАДРИЯТЛАРИ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА

***Қарийб 20 йилдирки, мустақил Украина мамлакатнинг ўзига хос иқтисодий ва сиёсий тараққиёт моделини яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Тараққиётнинг европача усулини қўллаб, демократик қадриятларни жорий этишга интилаётган ҳокимият вакиллари ўз олдиларига қўйган мақсадларига етишиш йўлини Ғарбнинг ривожланган давлатларидан қидиришмоқда.***

**Холис назар**

Украинада ислоҳотларнинг катта қисми Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро тузилмалар қоидаларига ҳамоҳанг равишда амалга оширилди ва шу тарзда давом этмоқда. Бу ташкилотларнинг обрў-эътибори шубҳага ўрин қолдирмайди, албатта. Бироқ Ғарб ўз ривожланиш йўлига эга ва бу йўл Украинаникидан кўплаб жиҳатлари билан фарқ қилади. Шу боис Украина мустақил тараққиёт босқичида ўзига тенгдош бўлган ва у сингари тоталитар жамият ҳамда режали иқтисодиётдан демократик жамият ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўзлаштирганида, мақсадга мувофиқ бўларди.

(Давоми 2-бетда).

**Анжуман**

***Кеча Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси рақобат сиёсатининг устувор йўналишлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# РАҚОБАТ БОЗОРИ РИВОЖИ

## ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлигига боғлиқ

Соҳа мутахассислари, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, Юртбошимиз Фармонида республикада соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, ички истеъмол бозорида ноинсоф рақобатга чек қўйиш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

(Давоми 2-бетда).

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ДАҲО



(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғда ҳам шоир таваллуд топган кун муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар ва бошқа кўплаб шеърият ихлосмандлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Суйима Ғаниева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Алишер Навоийнинг барҳаёт меросини ўрганиш, тарғиб этишга юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Истиқлол йилларида Алишер Навоий асарларининг йигирма жилдли мукаммал тўплами чоп этилди. Ушбу академик нашр Навоийнинг барча асарларини батафсил шарҳлар ва изоҳлар билан китобхонларга етказишга хизмат қилмоқда.

Шоирнинг замон ва сарҳад билмас адабий мероси дунё миқёсида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Жаҳондаги нуфузли кутубхоналарда шоирнинг қўлёзма асарлари сақланаяпти. Қатор хорижий мамлакатларда бобомиз ҳайкаллари қад ростлаган.

Тадбирда академик Н. Конраднинг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева шоир асарларидан намуналар ўқиди. “Ниҳол” мукофоти совриндори Илёс Арабов Навоий ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқлардан намуналар ижро этди.



Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги шоирлар хиёбонида ҳам Алишер Навоий ижодига бағишланган адабий мушоира бўлиб ўтди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

***Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир мамлакат, табиийки, дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бундай шароитда мустақилликка эришиб, ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган ёш давлатлар миллий тараққиётнинг ҳар босқичида босиб ўтилган даврни, амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаларини холис ва танқидий баҳолаши, яқин келажак учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган, халқнинг хоҳиш-иродасига мос тараққиёт дастурини ҳамда уни амалга оширишнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиши керак бўлади.***

# МАСЪУЛИЯТ, ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИК

## юксак марраларга эришишнинг муҳим омилидир

Шу маънода айтганда, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг аҳамияти беқиёсдир. Негаки, унда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз, халқимизнинг онг-шуурида, турмуш тарзида, жамият ва шахс муносабатларида рўй берган ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқур таҳлил қилинган. Шу билан бирга, унда жамият ҳаётини янада эркинлаштириш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатда ижтимоий адолат принципларининг тўла қарор топишига эришиш юзасидан ғоят муҳим вазифалар, уларни босқичма-босқич амалга ошириш йўллари аниқ белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, маъно-моҳиятини англаш ва таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб олиш бугун зиммамиздаги энг масъулиятли юмушдир. Негаки, биз қураётган фуқаролик жамиятини бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг ижтимоий фаоллигимиз, ташаббускорлигимиз, миллий тараққиёт ишига масъуллигимизга бевосита боғлиқдир.

## Концепция: устувор вазифалар

Концепцияда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар одамларни янги марралар сари ундаётгани, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлаётгани ва дунё мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотгани, хорижлик сиёсатшунослар, иқтисодчи, ҳуқуқшунослар унга юксак баҳо бераётгани ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиши, шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари жадаллик билан кечаётган, мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси ўсиб бораётган, кўп партиявийлик тизими қарор топаётган юртимизда ислоҳотларни босқичма-босқич, пухта режа асосида, нафақат бугунги кунни, айни чоғда эртани, олис келажакни, келгуси авлодларнинг манфаатларини ҳам ўйлаб амалга ошириш, бу борада шошма-шошарликка йўл қўймаслик, қабул қилинаётган ҳар бир қарорда халқимизнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Президентимиз раҳбарлигида айни шундай йўл тутилгани, қабул қилинаётган янги қонунлар умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олингани сўнгги йигирма йил ичида эришилган ютуқларимизнинг бош омилларидан бири бўлди.

Маълумки, кўп партиявийлик шароитида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига эришиш учун, аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, партияларaро рақобатни кучайтиришнинг аҳамияти катта. Бунда оммавий ахборот воситалари, жумладан, партия нашрларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга айлантириш зарур бўлади. Зотан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси, Концепцияда белгилаб берилганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, аҳоли мамлакатда, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида, турмуш тарзида юз бераётган ўзгаришлардан, қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг маъно-моҳиятидан, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар тафсилотларидан, энг аввало, оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлади. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлари ғоят катта аҳамиятга эга. Чунки фуқаролик жамиятининг энг муҳим принципларидан бири ОАВнинг жамият ҳаётидаги фаоллигидир. Зеро, ОАВ — жамият кўзгуси. Ҳукумат ўзи қабул қилаётган қарорлар, дастурлар ҳақидаги фуқаролар муносабати хусусида оммавий ахборот воситалари орқали воқиф бўлади, зарур ҳолларда уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда сиёсий партиялар, уларнинг босма нашрлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Зеро, “Ҳақиқат баҳсларда туғилади”, деганларидек, партияларaро рақобатнинг кучайиши, партия нашрларида танқидий ва чуқур таҳлилий мақолалар бериб бориш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш фуқаролар ҳамда партия аъзоларининг ижтимоий фаоллигини таъминлайди. Бу эса жамиятимиз ривожига, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига мустаҳкам замин яратади.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Яхши хабарлар**

# ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

***Избоскан туманидаги “Наньянг Ред коттон интернейшнл” корхонасига йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига бу ерда йилига 4 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.***

Ҳозир 300 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда 8,5 миллиард сўмлик юқори сифатли маҳсулот тайёрлади. Шундан 5,1 миллион АҚШ долларилик калава ип хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Якунланган йилда вилоятда 20,3 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестиция ўзлаштирилгани, айниқса, эътиборга молик.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЙҚИРОННИНГ КЎРКАМ АДРАСЛАРИ

***Чортоқ туманининг Ойқирон қишлоғидаги атлас матолари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Умаров Раҳимжон” хусусий корхонасида ички бозор талабларидан келиб чиқиб адрас ва банорас газламалари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.***

Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб бир ярим баробарга ортди. 14 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси якунланган йилда ўз мижозларига 50 минг погонметр газлама етказиб берди.

Айтиш керакки, вилоятда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 27,5 мингтадан ортиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 76 фоизга етди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

***Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган минтақалараро илмий-амалий конференция тадбиркорликни ривожлантиришнинг ана шу жиҳатига бағишланди.***

# ТАДБИРКОР ВА ҚОНУН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Савдо-саноат палатаси ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан прокуратура, божхона, солиқ, банк муассасалари ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ушбу соҳа вакиллари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани самарасида мазкур субъектларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб бораётир.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва уларга хизмат кўрсатувчи, фаолиятини тартибга солувчи муассасалар, идоралар томонидан амалдаги қонунларга тўла риоя этилиши, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларда мустаҳкамлаб борилишини таъминлаш соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳаким Ҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова, Республика Марказий банки раисининг ўринбосари Ботир Зарипов, Тошкент давлат юридик институтининг ректори Мирзаюсуф Рустамбоев ва бошқалар хусусий сектор субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада учраётган камчиликлар, қонунбузилишлар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида сўзладилар.

— Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деган сўзлари замирида биз, тадбиркорларга катта эътибор ва юксак ишонч мужассам, — дейди Фарғона вилоятидан “Моҳигул” хусусий фирмаси раҳбари Муҳаррам Юсупова. — Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида имконият ва имтиёзлар, ҳуқуқий асослар мавжуд. Улардан қанчалик самарали фойдалана олиш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ. Шу маънода, бугунги семинарнинг амалий аҳамияти жуда катта, деб ўйлайман.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда тадбиркор ва ишбилармонларнинг фаолиятларида учраётган муаммоларга доир саволларига мутасаддилар атрофлича жавоб бердилар.

Семинарда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов сўзга чиқди.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# РАҚОБАТ БОЗОРИ РИВОЖИ

## ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлигига боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг изчил ижроси натижасида айни пайтга келиб, товарлар ва хизматлар бозорида монополлашиш даражаси сезиларли даражада пасайди. Бу, айниқса, кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишида яққол намоён бўлмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги ўн йил ичида монопол корхоналар сони деярли 75,2 фоизга камайгани, 2004 — 2009 йилларда монопол маҳсулотларнинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 26 фоиздан 20,8 фоизга пасайгани шундан далолат беради.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “...бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни эътиборга олган ҳолда, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам, 1996 йилда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун ҳамда унинг бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражасини етарлича ифодалаб бермайди. Хусусан, ушбу Қонунда молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни тартибга солиш масалалари тўлиқ акс этмаган. Шу боис мутахассислар томонидан “Рақобат тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси тайёрланди. Тадбирда ушбу қонун лойиҳаси иштирокчилар томонидан муҳокама этилди. Мутахассисларнинг фикрича, келгусида амалиётга киритилиши кутилаётган мазкур қонун бир қатор афзалликларга эга.

Анжуманда шулар хусусида маълумотлар берилиши баробарида, тегишли тавсиялар ҳам қабул қилинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Модернизация**

# Корхона қуввати ошди

***Қарши туманидаги гўштни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Filling Food” хусусий корхонасида кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми қарийб 30 фоизга ортди.***

Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун корхона раҳбари Сирожиддин Эгамназаров ўз ҳисобидан 40 миллион сўм сарфлади.

Эътироф этиш керакки, “Filling Food”да ўтган қисқа муддатда 80 миллион сўмлик колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЕВРОПА ҚАДРИЯТЛАРИ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2011 йил январь ойи ўрталарида чоп этилган, жаҳондаги иқтисодий вазият ҳақидаги маърузасида, жумладан, МДҲ мамлакатлари кўрсаткичлари ҳам ўз аксини топган. Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистон ажралиб турибди. Айнан шу давлат сўнгги йилларда, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида иқтисодий ўсишнинг барқарор кўрсаткичларига эга бўлган ягона мамлакатдир. БМТ маълумотларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ўсиши бўйича МДҲ давлатлари ичида 8 фоизлик кўрсаткич билан яккапешқадам бўлиб турибди. Бунинг устига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодчилари мазкур давлат яқин икки йилда етакчиликни қўлдан бермаслигини башорат қилишмоқда!

Украина ва Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг икки хил айрича йўлларини танлашди. Албатта, у ёки бу ислоҳотларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида муайян вақт ўтгач, уларнинг натижаларини баҳолаш мумкин бўлгандан кейингина гапирган маъқул. Аммо инқирознинг энг мураккаб йилларида ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишда давом этганлигини билдирувчи маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, Украина ҳукумати собиқ иттифоқ бўйича қардошларининг тажрибасига эътибор қаратса, яхши бўларди.

Ўзбекистон, ўз менталитетига мос равишда, иттифоқ парчалангач, янги барпо этилган давлатни ислоҳ қилишда шошмашошарликка берилмади. Улар “янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик” тамойилига қатъий риоя қилишди. Бу эса кейинчалик мамлакатни ривожлантиришнинг “ўзбек модели”га айландики, бугунги кунда улар бундан фахрланишади ва бунга тўла асослари бор.

Ўзбекистон қўлга киритган ютуқларнинг энг асосий сабабларидан бири, шубҳасиз, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлигидир. Айнан шу туфайли ҳокимият вакиллари фақат қисқа даврлагина эмас, балки анча мураккаброқ бўлган узоқ келажакка мўлжалланган истиқболли режалар тузиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Яқинда қабул қилинган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатдаги сиёсий барқарорликка, аввалaмбор, жуда катта ваколатларни мерос қилиб олган Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли эришилган. Бироқ кейинги йилларда, жумладан, 2010 йилда, Ўзбекистонда мамлакат Конституциясига босқичма-босқич режали равишда ўзгартишлар киритилмоқда. Ана шундай ислоҳотларнинг кейингиси Президент ваколатларини қисман ҳукуматга ўтказишни кўзда тутади.

Давлат ва жамиятни ислоҳ қилишга мана шундай босқичли, айтиш мумкинки, “мулойим” ёндашув ўз натижасини бермоқда. Давлат ҳокимияти инқилобий қарорлар қабул қилиш оқибатида юзага келадиган “ёнғинлар”ни кўп меҳнат ва харажат эвазига бартараф этишга чалғимасдан тараққиёт йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳамда иқтисодиётда фавқулодда вазиятлар юзага келмайди ва уларни доимий равишда ҳал этишга эҳтиёж йўқ. Бу эса сиёсатчилар бутун эътиборларини оламшумул мақсад ва вазифаларга қаратишлари учун имконият яратади. Бу борада Ўзбекистоннинг ижобий тажрибаси мавжудлигини ва уни Украинада ҳам жорий этиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистонда 1997 йилдан буён тараққиётнинг муайян босқичида устувор аҳамият касб этган соҳалар ривожига қаратилган дастурлар қабул қилинмоқда. Давлат миқёсида қабул қилинган мазкур дастурлар Президент назорати остида йил давомида барча давлат органлари ва муассасалари томонидан изчил амалга оширилади. Пировардида бу ўша соҳанинг янада тараққий этишига катта туртки беришини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинганди. Мамлакат келажагини таъминлашда асосий омил бўлган янги авлодни шакллантиришдек муҳим вазифа давлат томонидан қабул қилинган дастурни ҳаётга татбиқ этиш орқали муваффақиятли амалга оширилди.

Ўтган йил мобайнида давлат ҳисобидан минглаб мактаблар, лицейлар, спорт заллари таъмирланди ва қуриб ишга туширилди. Ўқув муассасалари, хусусан, қишлоқ жойлардагилари ҳам компьютер техникаси ва интернет билан таъминланди.

Украина ва МДҲнинг бошқа давлатларида ижтимоий соҳа харажатларини чеклаш масаласи фаол муҳокама қилинаётган айни бир пайтда ўзбеклар оналик ва болаликни муҳофазалаш орқали миллат ва ёш авлод саломатлигини асраш, шунингдек, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда.

Бундай фаолият хўжакўрсинга эмас ва бола туғилганда бериладиган нафақани ошириш билангина чекланиб қолмайди. Дастур қиз болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга ва ҳомиладор аёллар соғлиғини тиклашга қаратилган. Бу эса пировард натижада соғлом фарзандларнинг туғилишига, соғлом миллатнинг шаклланишига олиб келади.

Мазкур мамлакатда амалга оширилаётган ишларга ЮНИСЕФ ҳам юқори баҳо бериб, Ўзбекистонни оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича дастурни жорий этишда минтақадаги намуна сифатида эътироф этди.

2011 йил Ўзбекистон бу дастурни давлат томонидан молиялаштиришни янада кучайтиришни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, жорий йилда асосий эътибор яна бир бошқа дастурга қаратилади: Ўзбекистонда 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилинган.

Кўриниб турганидек, Ўзбекистон бу борада Халқаро валюта жамғармаси таъсирига тушиб қолган Украинага нисбатан кўпроқ Европага хос фикр юритади. 2010 йил натижаларига кўра, давлат ялпи ички маҳсулотининг 53 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келган. Бу баъзи ривожланган Ғарб давлатларидагидан ҳам юқоридир. Маълумки, кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Украинада эса бу “куч”нинг улуши 15 фоиз атрофида, холос. Ваҳолонки, бу кўрсаткич ўрта синф мулкдорларидан иборат демократик жамиятнинг асосий мезонларидан биридир.

Биз ҳарчанд Европага интилишимизга қарамасдан, Ғарб мамлакатларидан мақсадимизга эришишнинг мақбул механизмини ололмаймиз, шундай экан, сиёсатчиларимиз эътиборини “кўҳна қитъа”дан узоқда бўлса-да, бу қитъа қадриятларини амалда рўёбга чиқара олаётган мамлакатларнинг ривожланиш йўлига қаратиш ўринли бўлур эди.

**Дмитрий ДРОБОТУН,**
**«Международный курьер» ҳафтаномаси бош муҳаррири ўринбосари.**
Украина

# Qishloq Qurilish Bank

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини, янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш мақсадида, имтиёзли шартлар асосида, молиявий кўмак бериш борасидаги тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида

номинациялари бўйича кўрик-танлов эълон қилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

Танлов ўтказиш муддати — 2011 йил 11 апрель.
Танлов ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| | I. Телерадиодастурларни тарқатиш | | |
| 1-лот | 5-телевизион канал (частоталар полосалари 92,0-100,0 МГц) | 0,5 кВт | Бухоро шаҳрида |
| 2-лот | 24-телевизион канал (частоталар полосалари 494,0-502,0 МГц) | 0,1 кВт | Бухоро шаҳрида |
| 3-лот | 37-телевизион канал (частоталар полосалари 598,0-606,0 МГц) | 0,1 кВт | Бухоро шаҳрида |
| 4-лот | 41-телевизион канал (частоталар полосалари 630,0-638,0 МГц) | 0,1 кВт | Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида |
| 5-лот* | 10-телевизион канал (частоталар полосалари 206,0-214,0 МГц) | 1,0 кВт | [illegible] |
| 6-лот* | 36-телевизион канал (частоталар полосалари 590,0-598,0 МГц) | 1,0 кВт | Сурхондарё вилоятида Термиз шаҳри ва атроф туманларида |
| 7-лот* | 8-телевизион канал (частоталар полосалари 190,0-198,0 МГц) | 0,1 кВт | Қарши шаҳри ва атроф туманларида |
| | II. Радиодастурларни тарқатиш | | |
| 8-лот | 101,5 МГц | 1,0 кВт | Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи ҳудудларида |
| 9-лот | 100,2 МГц | 1,0 кВт | Андижон шаҳри ва қисман Наманган вилоятида |

* РРТМдан ижара шарти билан

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-84-57, 239-48-13, 239-48-55.






ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ! 113 01 80

2011 йил, 29-31 март
«Ўзэкспомарказ»
Тошкент, Ўзбекистон

worldfood UZBEKISTAN

11-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

Ташкилотчи: ITE UZBEKISTAN
www.worldfood.uz





«Асака» банки (ОАЖ)

Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан танлов савдоларига қўйилаётган, Шовот туманидаги қурилиши тугалланмаган, йилига 5 000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга, 80 та иш ўрнидан кам бўлмаган ип йигирув фабрикасини ишга тушириш учун

тўқимачилик компанияларини

ҳамкорликка
таклиф этади.

Инвестиция мажбуриятларининг асосий талаблари: 2 йил давомида 10 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда сармоя киритиш.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-39-52, 120-39-56.
Масъул шахслар: Шухрат Маҳмудов, Бобур Бурхонов.



РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«КЧМ» ЧЎЯН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Табиий газ, қурук ва суюқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ва Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.
Шунингдек:
КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва умывальниклар)
ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ
Тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127.
zakamsk-group@mail.ru



ЗАВОД ТТЕМZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ
КБ-403А

Теперь вся продукция и в лизинг





АВТОКРАНЫ
КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ





АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ
Объемом $8м^3$ и $12м^3$ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.








КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ и АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

| МОДЕЛЬ | [illegible] | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 107-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Иккинчи чет тиллари кафедраси доценти

**Санобар САЛИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси институт Илмий тадқиқот инновация маркази сектор бошлиғи Д. Қодировага волидаи муҳтарамаси

**ЛАЗОКАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

